ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДА ЎҚУВ МОТИВАЦИЯЛАРИ ВА ЎҚИШГА ЭМОЦИОНАЛ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ НАЗАРИЯЛАРИ

Сабоҳат Бахадировна Кабулова
Урганч давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада психология фанида ўқув мотивациялари ва ўқишга эмоционал муносабатларини ўрганилиш назариялари масаласи ёритилган. бундан ташқари ушбу масала бўйича тадқиқотчининг шахсий нуқтаи назари ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: салоҳият, касбий савия, ўқув мотивлари, талаба психологияси, диагностика, диагностикавий имконият,шахсий хусусият.

THEORY OF STUDY OF STUDY MOTIVATIONS AND EMOTIONAL APPROACH TO READING IN PSYCHOLOGY

ABSTRACT

This article analyzed the issue of theories of learning motivation and emotional attitudes to learning in psychology. in addition, the researcher’s personal views on the matter are also cited.

Keywords: potential, professional level, learning motives, student psychology, diagnostics, diagnostic opportunity, personality trait.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шахс камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар унинг ўзлигини англаб бориши ва ўз устида мустақил ишлаган тарзда халқ равнақи ва Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиши учун иқтидори ақли ва шуурини сафарбар этишга ундайди.

XXI аср буюк ўзгаришлар даври бўлишига шубҳа йўқ. Бу ўзгаришлар энг аввало инсон тафаккурида унинг фикрлаш тарзида рўй бериши муқаррар. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “ вируси” тарқалишининг олдини олишдир”[1].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида шахс маънавиятини шакллантириш хусусида фикр юритиб, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиши, улғайиб бориши, бу илдиз анча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббати ҳам шу қадар юксак бўлишини ҳамда томирида миллий ғурур, Ватан иши жўш урган одам буюк ишларга қодир бўлишини таъкидлаб, бунинг учун маънавий муҳит яратиш зарурлигини алоҳида қайд этган эди[2].

Биз яшаб турган XXI асрни ҳали равишда мўъжизалар даври деймиз. Чиндан ҳам бугунги кунда ҳал бовар қилмайдиган улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ёшларни ўз билимини мустақил оширишга илмий ва сиёсий ахборотларнинг кучайиб бораётган оқимига ёндашишга ўргатишни ҳаётининг ўзи илгари сурмоқда. Шу куннинг муҳим вазифаси ёшларнинг ақлий фаолиятини тафаккурини ўстиришга, мустақил ишлаш қобилиятини такомиллаштиришга қаратилган кўникма ва малакалар ҳосил қилишни тақазо этади.

Олдимизда турган мақсадларимизга эришиш янги демократик жамиятни қуриш, қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга ёшларимиз қандай маданий ва касбий савияга эришганлигига, қандай ғояларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис, аҳолининг билим олиш имкониятини кенгайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Демак, жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий мезони ёшларнинг мустақил фикрлай олиши, ўрганган билим ва тажрибани амалиётга қўллай билишидир.Ёш авлодни айниқса мустақил фикрли қилишда уларнинг ўқув мотивларини ҳам ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

«Мотив» (лотин) – «ҳаракатлантираман», одамни муайян хатти - ҳаракатларга ундайдиган бош сабаб. Одамни фаолиятига ундовчи асосий сабаб унинг эҳтиёжларидир[3]. Бинобарин, эҳтиёжларнинг турига қараб мотивлар ҳам ҳар хил бўлади. Психологияда мотивлар икки катта категорияга бўлинади. Булар табиий мотивлар ҳамда маънавий мотивлардир. Мотивлар, уларнинг мазмунини акс эттириш шаклига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади: ҳиссиёт, тасаввур, фикр, тушунча, ғоя, маънавий идеал ва бошқа мотивлар.Баъзи ҳолларда мотив алоҳида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

ҳаракатларга ундаб, бу ҳаракатнинг мақсади билан бевосита мос келади.

Кўпинча, мураккаб фаолиятда мотив ҳаракат мақсадига бевосита мос келмай, бир мақсадни амалга ошириш учун бир қанча ҳаракатларни бажаришга тўғри келади. Шунинг учун фаолият предмети мотив ҳаракатининг ўзидир. Ҳақиқатда, мотивлар фаоллашган, мақсадга қаратилган, фақат ҳаёлда амалга ошувчи ёки идрок қилинган бўлиши мумкин.

Талаба ўқиш фаолиятининг мотивлари тўғрисидаги муаммолар чет эллик олимлардан Э.Торндайк, З.Фрейд, У.Кеннеди, У. Макдауголл, Г.Келл, Ж. Брунер, Г. Вилкатт, С.Томпсон, Г.Ханникатт, Р.Вудвортс, Э.Керон, А.Маслоу, Дж. Аткинсон, Г.Оллпорт, К.Роджерс, Х..Хекхаузен, В.Вундт, Ю.Роттер, Э.Левалд, Г.Розенфелд кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Жумладан, австралиялик олим З.Фрейд ҳамда америкалик олим У.Макдауголл мотивацион омил сифатда ҳайвонлардаги органик эҳтиёжларни, жумладан, инстинктлар билан одам хулқ атворини тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа уларнинг инсон феъл атворига оид қарашлари биринчи назария сифатида майдонга чиқди.

Ўқув мотивларининг хусусий муаммоларига бағишланган чет эл кузатишлари, асосан, Э.Торндайк таъсири остидадир. Бу ўқув жараёнига мойиллик туғдирадиган кучнинг характери тўғрисида Э.Торндайк айтган айрим ҳолатларининг ҳали - ҳанузгача янги-янги тажрибаларда синовдан ўтказилаётганида ҳам кўринади. Янги муаллифлар у билдирган фикрларни ёки тасдиқлашга ёки инкор этишга ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, бунда Э.Торндайк қўлланган изланиш ва методлар бирмунча ўзгарган, лекин муаммонинг қўйилиши, қўлланаётган айрим усуллар кўпроқ Э.Торндайк услубларига яқиндир.Ўқув мотивлари муаммоси юзасидан Э.Торндайк билдирган фикрларни билмай туриб, бизнинг бу ҳақидаги тасаввуримиз тўлиқ бўлмайди[4]. Э.Торндайк ўқув масалалари бўйича иккита китоб эълон қилган: «Инсонда ўқув жараёни» (1931 йилда рус тилига таржима қилинган) ҳамда инглиз тилидаги «Ўқиш асослари» (1932) китоби.Унинг «Инсонда ўқув жараёни» китоби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Э.Торндайкнинг кўп сонли экспериментлари (тажрибалари) ёритилаган бўлиб, иккинчи бўлимда унинг ўқув жараёни тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари берилган. Э.Торндайк тажрибаларининг алоҳида томони уларнинг жуда тор ва чекланган характерга эга эканлигидир: улар реал ўқув жараёни билан жуда оз даражада боғлангандир. Америкалик муаллифлар кўпроқ ўқув

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

жараёни англаб етилган мотивлари билан эмас, балки айрим жиҳатлари камроқ фаҳмланадиган кўринишда бўлиб, ўқув жараёнига майл-истак уйғотадиган муаммо ўқишни мотивлаштириш масалалари билан шуғулланадилар. Бундай илмий ишларнинг муаллафлари, масалан, талабанинг сонларни ёдлашига, алоҳида хатти-ҳаракатларига қайси психологик жиҳатлар таъсир кўрсатишларини ўрганадилар ва шу йўл орқали мотивлаштиришнинг айрим компонентларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бу соҳада улар Э.Торндайкнинг издошлари ҳисобланадилар.

МДҲ давлатларидаги психолог олимларининг баъзиларининг фикрича, таълимни мотивациялаш муаммоси шахс психологиясининг марказий муаммоларидан ҳисобланади. Шахснинг психологик жиҳатдан шаклланишининг яхлитлиги, шахсий хулқ ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўртасидаги маълум боғлиқлик мотивация муаммосини тадқиқ қилишга бўлган мунтазам ёндашувни қўллаш учун имкониятлар очиб беради. Талаба психологиясига оид тадқиқотлар XX аср 20-йиллардан бошлаб кенг кўламда амалга оширилиб келмоқда. Бу соҳада ҳамдўстлик мамлакатларининг психологларидан С.Л.Рубинштейн, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтев, Б.Г.Ананев, Л.И.Божович, П.М.Якобсон, А.В.Запорожетс, В.Г.Асеев, П.Л.Галперин, В.Ф.Моргун, А.К.Маркова, Н.Э.Эфимова, М.В. Матюхина ва бошқа олимларининг хизмати катта.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқиш мотивациясини диагностика қилиш уни ўтказиш учун услуб танлаш тамойилларини аниқлаштиришни талаб қилади. Ўқув фаолияти мотивациясини диагностика қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия қилинади.

1. Диагностика текширув предмети бўлган таълим мотивацияси кўрсаткичларини белгилаш.
2. Уч тоифадаги диагностика услубларини танлаш, бевосита лойиҳавий ва билвосита-таълим мотивацияси кўрсаткичларини диагностика қилишга йўналтирилган услублар.
3. Ҳар бир услубнинг ажратилган кўрсаткичларга бўлган диагностикавий имкониятларини аниқлаш.
4. Мазкур методика асосланган ва натижаларни намоён қилиш чоғида ҳисобга олинадиган назарияни - услубнинг методологик асосини ҳисобга олиш.
5. Методика матнларининг талабалар ёш хусусиятларига мослиги.
6. Талабалар шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

7. Диагностикани ўтказиш вазиятининг диагностика мақсадларига мослиги[5].

Юқоридаги келтирилган таълим мотивациясини диагностика қилиш усули биз ўрганаётган муаммони янада чуқурроқ текширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Энди ўзбек психолог олимлари томонидан мотивация муаммосининг ўрганилганлик даражасини кўриб чиқамиз. Шахс мотивацияси муаммолари Ўзбекистонлик психолог олим ва тадқиқотчиларнинг ҳам диққат марказидаги муаммолардандир. Кейинги йилларда мазкур илмий муаммоларга нисбатан қизиқиш янада кучайиб бормоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун психолог олимлар томонидан амалга оширилган изланишларга қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир ва б.Республикада кейинги кўп йиллар давомида М.Г.Давлетшин раҳбарлигида ушбу муаммо янгича илмий асосда талқин қилиниб, кенг кўламда ўрганилмоқда.

М.Г.Давлетшиннинг фикри бўйича, Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшлар ҳар хил соҳанинг мазмунига ўзи онгли равишда ёндашуви орқали мумкин қадар эртароқ, шу соҳа бўйича тўғри ва оқилона тасаввурларга эга бўлиши мумкин[6]. М.Г.Давлетшин консепсиясидан келиб чиққан ҳолда, олиб борилган тадқиқотлардан бири А.К.Саитованинг ўсмир ёшдаги талабаларнинг ўқиш мотивларини ва қадриятларини ўрганишга бағишланган ишидир. Бу ишда муаллиф, ўсмир ёшининг хусусиятларига таянган ҳолда, бир қатор хулосаларга келган : ўсмирлар ўқув фаолиятида потенсиал ҳисобланган мотив ўз-ўзини намоён қилиш мотивидир; ўқув фаолияти билан боғлиқ қадриятларни англаш - ўсмир талабаларда ўз-ўзини такомиллаштиришга ва амалга оширишга ундайди, бу эса ўқув фаолияти билан боғлиқдир.

В.А.Токареванинг кичик мактаб ёшидаги болаларда ижтимоий бурчнинг шаклланиш психологиясига бағишланган тадқиқотларида талабалар ўқув фаолияти мотивларини ўрганишга катта эътибор берилган[7]. Муаллиф талабалар онгида 5-синф давомида ўтказилган ўқув-тарбиявий ишлар натижасида юз берган ўзгаришлар воситасида ўқув фаолияти мотивларидаги ўзгаришларни аниқлашга интилган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, психология тарихида ўқиш мотивациясини диагностикаси ва коррекцияси муаммосига фаол ёндашув, мотивни ўқиш фаолиятининг тузилиш элементлари сифатида ўрганиш имконияти ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1345-1350

заруриятини юзага келтиради экан. Талабанинг мустқаил фикрлаши билимли бўлиши унинг ўқув мотивациясини диагностика қилиш ва таҳлил натижаларига кўра мос ўқитиш методини танлашга ҳам боғлиқ экан.

REFERENCES

1. Абрамова Г.С. Возрастная психология: Учебник для студентов ВУЗов. – М.: Академический проект, 2001.- 704 с.
2. Асмолов А.Г., Цветков А.В. О роли символа в формировании эмоциональной сферы младших школьников с трудностями развития психики// Вопросы психологии. – М., 2005.- № 1.- С.19-29.
3. Asomova R.Z. Kasb tanlash motivatsiyasi va uning dinamikasi: Psixol. f. n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dis. – T.: O'zMU 2002.- 137 b.
4. Большой толковый психологический словарь/ Пер. с англ. – М.: Ребер Артур, АСТ, Вече, 2003. Т. 1 (А-О). - 592 с.
5. Бурлачук Л.Ф. Словарь-справочник по психодиагностике. – СПб.: Питер, 2007.- 688 с.
6. Головнева Е. Проблема повышения эффективности формирования потребностно-мотивационной сферы будущих учителей// Прикладная психология и психоанализ.– М.: МПА-Пресс, 2004.- №1.- С.37-45.
7. Davletshin M.G., Alimqulov YO., Ubaydullayev A., Umarov U., Alimova F., To'ychiyeva S. Psixologiya: qisqacha izohli lug'at (o'zbek tilida). – T.: TDPU, 1998. - 46 b.